

АПЕЛЬСИН ВА ГРЕЙПФРУТ ЎСИМЛИКЛАРИНИНГ АГРОБИОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Абдураманова Саломат Худайбергеновна, к.х.ф.д., профессор,
Турдалиева Озода Мухтор қизи, магистр,
Тошкент давлат аграр университети.

Аннотация. Мақолада Апельсин ва грейпфрут ўсимликларининг агробиологик хусусиятлари ва кўчат ёшига қараб органик ҳамда минерал ўғитларга бўлган талаби ёритилган.

Калим сўзлар: цитрус ўсимликлари, нав, кўчат, агробиологик хусусиятлари, минерал ўғитлар

Аннотация. В статье описаны агробиологические особенности растений апельсина и грейпфрута и их потребность в органических и минеральных удобрениях в зависимости от возраста сеянцев.

Ключевые слова: цитрусовые растения, сорт, рассада, агробиологические свойства, минеральные удобрения.

Abstract. The article describes the agrobiological characteristics of orange and grapefruit plants and their need for organic and mineral fertilizers, depending on the age of the seedlings.

Keywords: citrus plants, variety, seedlings, agrobiological properties, mineral fertilizers.

Кириш. Республикада цитрус тармоғини янада ривожлантириш, илмий-тадқиқотлар кўламини кенгайтириш, илғор ва замонавий ресурс тежовчи технологияларни қўллаш асосида юқори сифатли саноатбоп ва экспортбоп лимон, апельсин ва грейпфрут етиштириш ҳажмини ошириш, давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмларини кенг жорий этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 февралдаги “Лимончилик тармоғини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПҚ-4610-сон қарори қабул қилинди.

Цитрус экинлари ўзининг беқийс таъми, витаминга бойлиги, хушбўй ҳиди, қайта ишлаш сақлаш ва ташишга яроқлиги, етиштириш ва кўпайтиришнинг у қадар мураккаб эмаслиги ва шу каби қатор афзалликлари билан дунёнинг кўпгина мамлакатларида юқори баҳоланади. Биргина апельсиннинг ўзи машҳурлиги ва ялпи етиштирилиши жиҳатидан барча экинлар орасида дунёда биринчи ўринда туради.

Апельсин – сер сув, хушбўй, қимматбаҳо мевалари бутун дунёга машҳур. Шунинг учун у бошқа цитрус мевалари орасида ҳақли равишда биринчи ўринни эгаллайди.

Апельсин меваси таркибида 6-8% шакар, 1,0-1,4% турли кислоталар, 1,0% гача пектин моддалар, 60-100 мг% С витамини, маълум миқдорда А, В₁, В₂, РР витаминлар мавжуд. Пўсти қалин ва шарбати кислотали бўлганлигидан таркибидаги витаминлар яхши сақланади.

Грейпфрут – эти аччиқ-чучуклиги ва тахирроқлиги билан бошқа цитрус меваларидан фарқ қилади. Меваси таркибида 5-10%, шакар, 1-2,5% органик кислоталар, 35-50 мг% С витамини, маълум миқдорда А ва Е витаминлари бўлади.

Грейпфрут меваси янгилигида ва шарбат ҳолида истеъмол қилинади. Организмни мустаҳкамловчи шифобахш дори сифатида ишлатилади, ҳазм қилиш органлари ишига ёрдам беради, қон босимини пасайтиради, ортиқча семириб кетишга йўл қўймайди.

Цитрус ўсимликларининг янги навларни яратиш ҳамда мавжуд навларни ўрганиш асосида олиб борилган изланишлар туфайли цитрус ўсимликларининг ҳосилдор истиқболли навлари етиштиришда, зараркунанда ва касалликларга қарши самарали кураш чоралари ишлаб чиқилди.

Агротехника тадбирлари илмий назария асосида бажарилганда 6-8ёшли дарахтлардан гектар ҳисобига 25-30 тоннадан

зиёд мева олиш мумкин.

Мўл ҳосил олиш учун барча типдаги лимонзорлар қуйидаги асосий талабларга жавоб бериши керак (1-жадвал):

- зарур қулай ҳарорат ва намлик шароитида яратиш ва сақлаб туриш;

- қишки даврда иссиқхонада ҳаво ҳарорати 5°C дан, траншеда эса 0°C дан паст бўлмаслиги ва яхши ёритилиши керак;

- ёз ойларида иссиқхонада тупроқ ва ҳаво ҳароратининг критик даражасини пасайтириш мақсадида иншоот томи тўлиқ очилади, иссиқхонанинг ён томонлари эса ҳаво алмашинуви таъминлайди.

- қишда ҳарорати 10°C дан, ёзда эса 18°C дан паст бўлмаган суғориладиган чучук сув билан таъминланиши, имконият мавжуд бўлганда эгатлаб суғоришдан ташқари томчилатиб ёки ёмғирлатиб суғориш керак. Бунда ўсимликларни ҳамда иншоотни сув босиб кетмаслиги учун ортиқча сувларни оқизиб юборадиган ташлама сув ҳавзаларини қуриш зарурлиги эътиборга олинади;

- цитрус ўсимликлари нормал ўсиши ва яхши мева бериши учун йил давомида тупроқнинг тўлиқ намлик сифими 70-85% ни ташкил этиши учун ўсимликларни фаол ўсув даврида 26 маротаба эгатлаб суғориш;

- цитрус ўсимликлари органик ва минерал ўғитларга бўлган талабини қондириш

- иншоотга автотранспорт ва қишлоқ хўжалик машиналари келиб-кетиши учун қулай йўллар қурилган бўлиши;

- механизмлар ёрдамида ўғитлаш, касаллик ва зараркундаларга қарши кураш, механизмларнинг ишлаши учун бурилиш йўлларни қолдириш ва бошқа ишларни бажариш учун қулай шароит яратиш;

- меваларни вақтинча ва доимий сақланадиган бинолар, омборлар ва шу каби ёрдамчи хоналар қуриш лозим.

Ўзбекистонинг қулай тупроқ-иклим шароитида барча вилоят ва туманларида цитрус ўсимликларини иссиқхонада ва траншеаларида етиштириш мумкин.

Цитрус ўсимлиги совуққа чидамсиз ўсимлик. Минус 2-2,5°C совуқда мевалари, минус 3-4°C барглари ва бир йиллик новдалари зарарланади. Ҳароратнинг минус 5-6°C гача пасайиши қариоқ шохларини ҳалок бўлишига олиб келади, минус 8-9°C да эса ўсимликни бутунлай совуқ уради. Апельсин, мандарин дарахтлари 3-4°C нисбатан чидамлироқдир (2-жадвал).

Цитрус ўсимликлари органик ва минерал ўғитларга бўлган талаби

Дарахт ёши	Чириган гўнг хар тупга кг	Минерал ўғитлар (соф модда ҳисобида) хар тупга, г		
		азот	фосфор	калий
1-2	5-10	20-60	20-60	10-20
3-4	10-15	40-90	40-100	20-60
5-5	15-20	80-120	100-150	50-80
6 ёшдан юқори	20-25	120-150	150-180	75-100

Апелсин ва Мандарин ўсимликлари учун ҳаво ҳарорати кўрсаткичлари

Ривожланиш даври	Ой	Ҳавонинг ўртача суткалик ҳарорати, °C	Ҳавонинг нисбий намлиги, %	Дала нам сигимига нисбатан тупроқ намлиги, %
Тиним даври	декабрь	8-10	50-60	50-60
Шунинг ўзи	январь	6-8	50-60	50-60
Новдалар ўсабошлаши	февраль	10-12	60-70	60-70
Ғунчалаш, Гуллаббошлаши	март	15-20	70-80	70-80
Ёппасига гуллаши	апрель	18-22	70-80	70-80
Тугунчалар пайдо бўлиши ва ўсиши	май	20-24	70-80	70-80
Шунинг ўзи	июнь	22-26	60-70	60-70
Шунинг ўзи	июль	26-30	60-70	60-70
Шунинг ўзи	август	23-27	50-60	60-70
Шунинг ўзи	сентябрь	20-25	50-60	60-70
Мевалар етилиши	октябрь	17-20	40-50	60-70
Шунинг ўзи	ноябрь	10-14	40-50	

Ёш дарахтлар вегетация давомида ўсишнинг 5 даврини ўтказиши ва қисман 6-даврага ўтади, лекин бу даврни совуқ тушгунга қадар улгурмайди. Олтинчи даврда ўсган, бироқ пишмаган новдалар олиб ташланади.

Мева берувчи цитрус ўсимлиги ёш дарахтида асосий мева ҳосилини ўтган йилги иккита новдали шохлари ва бу йилги бир мевали шохлари беради. Қариган сари уларнинг миқдори камайиши ва мевалар асосан ўтган йилги баҳорги новдада пайдо бўлади.

Шох-шаббанинг қуюқлашиб кетишига йўл қўймаслик учун ўтган йилги шохларда иккита, кучлироқ шохларда эса учтагача новда қолдириш керак.

Цитрус ўсимликлари иккинчи қисм новдаларининг кўпи қисқа ҳолда қолади ва булар типик мевали новдаларга айланади. Булардан нимжонлари олиб ташланади, қолганлари эса чилпинмайди, чунки булар иккинчи йили мева бериши мумкин.

Қолган иккинчи ва кейинги новдаларининг ўсишига қараб икки усулда чилпинади ва кесиб калта қилинади.

Мева йиғиб-терилгандан кейин, қишда, дарахт ўсмасдан

асосий буташ ўтказилади. Шохларнинг ҳамма қуриган ва шикастланган қисмлари, шунингдек, шох-шабба ичидаги қариган шохларда пайдо бўлган нимжон новдалар олиб ташланади.

Ёзда, чанг қоплаган барглари вақти-вақти билан эрталаб ювиб туриш лозим, бу тадбир баргларида пластик моддалар запаси тўпланишини ва фотосинтезнинг нормал ўтишини таъминлайди.

Цитрус ўсимлигини иссиқхонада кўпинча юмшоқ сохта қалқондор, ўсимлик битлари, каналар билан зарарланади. Қалқондорга қарши 0,3% ли Вертелекс эритмаси 5-6 кун оралатиб 2 марта пуркалади. Карате препаратини 0,3 фоизли қилиб сепса ҳам бўлади. Бунда ўсимликнинг ҳамма қисмини, айниқса барглари пастки тарафидан қўллаш зарур.

Ўсимлик ғунчалаган ва гуллаган даврида пуркаш мумкин эмас. Ишлов эрталаб ва кечқурун, ёки булутли кунларда ўтказилади.

Қора қуясимон замбуруғлар барглари ювилганда кетмайди. Барглари 1% ли бордо суюқлиги эритмаси ёки 0,5% ли мис хлор оксиди эритмасини қўшимча пуркалганда халос этади.

АДАБИЁТЛАР:

1. Маматов К. Цитрус зараркунандалари / "Пахтачиликда долзарб масалалар ва уни ривожлантириш истиқболлари" мавзусидаги илмий-амалий конф. Маърузалар тўплами. – Тошкент, "ЎзПТИ", 2009. – Б.301-302.
2. Фахрутдинов Н.З. Интенсивное выращивание саженцев цитрусовых культур в Узбекистане. – Ташкент, 1994. – С.16.